

**Р. Йўлчиева, М. Пирматов**

**УСТОЗ  
ВА  
ШОГИРДЛАР**

**УЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1975**

Ушбу китобча моҳир маккажўхорикор, ёшларнинг жонкуяр мураббийси Найни Маматқодиров ва унинг шогирдлари, «Гектаридан 120 центнер учун» ватанпарварлик ҳаракатига қўшилиб, катта меҳнат муваффақиятларини қўлга киритаётган ажойиб ёшлар ҳақида ҳикоя қилади.



Й—М  $\frac{10903-339}{356 [06]-75}$  8—75

© Издательство «ЁШ ГВАРДИЯ», 1975 г.

Само тарозисининг бир палласида қуёш, бир палласида тўлтин ой. Ой қўнган палла тобора пастлаб борарди. Ой срга яқинлашган сари иккинчи палла — қуёш кўтарилмақда эди.

Дилларга сурур бахш этувчи, кўзлардан гафлат уйқусини ҳайдовчи ажойиб, тароватли баҳор тоғи.

Эшик очилиб, эркак киши чиқди. Ундан кейин аёл кўринди.

— Чой ичсангиз бўларди,— деди аёл.

— Кейин ичарман.

У бўлим идораси олдига етганда қаршисида Абдурайим пайдо бўлди.

— Йўл бўлсин, Найин ака.

— Далага! Пайкални кўриб, чамалаб келмоқчиман.

— Эшитишимча, бу йил 120 центнердан берамиз, дебсиз!

Найин ака ҳайрон бўлди. Қаердан билди буни. Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очгани йўқ эди-ку!

— Шунини мўлжаллаб турибмиз, Абдурайим.

— Омадли экансиз, Найин ака. Мана уч-тўрт йилки, тилдан тушмай қолдингиз. Директор билан яхшисиз. Кеча нариги бўлимга ўтгандим. Совхоз Найин акага ҳаминша ёрдам беради, деб қолишди. Бўш келмадим.

— Эл оғзинга элак тутиб бўлмас экан.

— Шунақа деймиз-у, «кўтар-кўтар»да ҳам гап бор,

Найини ака. Қани менга ҳам орқаваротдан шундай дейишганда, белни маҳкам боғлардим-да, далага чиқиб кетардим. Илгари айтишса кўнмабман-а?!

Найини ака мароқ билан қолди.

## 2

Совхоз комсомол комитетининг хонасида бюро борарди.

Пойгакроқда ўтирган Лутфиддин қўлини нягига тираб, секретарининг сўзларини тингларди. Совхоз комсомол ташкилотининг секретари озғин, қўй кўзлари чақнаб турувчи, хушмуомала йигит эди. У ҳар бир сўзини чертиб-чертиб гапирар, ёшлар унга ҳавас билан қараб туришарди.

Лутфиддин ўй ўйлаб кетди. Кеча бригадага кетаётганди, Абдурайим учраб қолди.

— Сизни излаб келяман.— чели в.

— Тинчликми?

— Директор сўраяптилар сизни. Қани ўтиринг!  
Мотоцикл идора томон йўл олди.

карига кирди. Абдураҳмонов телефонда аллақим билан гаплашаётганди. Лутфиддин нима қилганини билмай туриб қолди. Абдураҳмонов «ўтиринг» дегандек ишора қилди. Лутфиддин омонатгина ўтирди.

Директор трубкани жойига қўйди-да, Лутфиддинга қўл узатди. Ҳол-аҳвол сўрагач, совхознинг келгусидаги режалари ҳақида гапирди.

— Ҳозир область комсомол комитетининг биринчи секретари билан гаплашдим,— деди босиқ оҳангда.— Областимиз комсомол-ёшлари маккажўхори етиштиришни ўз талақларига олишмоқчи экан. Биласиз, районимиз доп ҳосили бўйича олдинги ўрнида. Найини аканинг муваффақиятларини кўриб турибсиз. Найини акага муносиб шогирд, ўринбосарлар керак. Кеча шу ҳақда гап

бўлди. Партком секретари ҳам, комсомол ташкилотининг секретари ҳам, шу жумладан мен ҳам сизнинг номзодингизни айтдик. Қийин ва шарафли вазифа. Қийинлиги шундаки, ер бешинчи бўлмдан ажратилган. Ишчи кучи кам, фақат механизацияга таяниш керак. Уйлайманки, сиз бунинг улдасидан чиқа оласиз.

Лутфиддин жим қолди. У ўйларди. «Пахта нима бўлади? Одамлар менга энди ўрганишганди. Маккажўхоричилик бригадасини эплай олармикинман?»

— Биламан, сиз пахтачилик бригадасини ўйлаясиз,— давом этди директор.— Бу ёгидан хотиржам бўлинг. Ёрдам берамиз. Ишингизга муваффақият тилайман.

— Раҳмат!

— Эртага комсомол комитетида бюро бўлади. Маккажўхоричилик бригадаси аъзоларини ҳам аниқлаб оламиз. Хўп бўлмаса, эртага кўришгунча.

Лутфиддин аста ўрнидап туриб, ташқарига чиқди. Тоза ҳаво гуп этиб димоғига урилди.

«Эплай олармикинман?» Шу савол хаёлида ҳамон чарх урарди.

...Иккинчи масалага ўтилганда Лутфиддин ҳаяжонланиб кетди. Ҳозир у ҳақда гапиришади. Найни ака қаторида тилга олишади. Лутфиддин Найни акага кўз қирини ташлаб қўйди.

Директорга сўз берилди. Абдураҳмонов секин ўридан туриб, атрофга назар ташлади-да, гапира бошлади. Ҳамма директорнинг сўзини диққат билан тинглар, баъзан бош қимирлатиб тасдиқлаб қўйишарди.

— Гап Найни ака Маматқодировга муносиб ўринбосарлар тайёрлаш устида боряпти,— давом этди Абдураҳмонов.— Бундай куч совхозимизда кўп. Мана шулардан бири Лутфиддин Сайфиддинов. Лутфиддин жонкуяр, ишчан ва камтар йигит. Биз уни синовдан ўтказдик. Пахтачилик бригадасида ҳисобчи бўлиб ишлаб, ишончимизни оқлади. Совхоз дирекцияси, партия ва

комсомол ташкилотлари Лутфиддин Сайфиддиновга яна бир ишонч билдиришяпти. Уни комсомол-ёшлар маккажўхоричилиқ бригадасига бошлиқ этиб тайинляпмиз. Умид қнламизки, ўртоқ Сайфиддинов бу вазифани ҳам уддалайди.

Директор гапини тугатиши билан қарсақлар янгради.

Лутфиддин ерга қараганча жим ўтирарди. Қалби туг-ён урар, дераза ёнида ўтиргани учун шабада сочларини ўйнарди.

— Яна ким гапирмоқчи?— деди секретарь.

— Мен,— Найни ака мўйловини бураб ўрнидан қўзгалди.— Ростини айтсам, бугунги кундан жуда хурсандман. Нега деб сўрарсизлар? Маккажўхори полвон экинлардан,— кимдир «пиқ» этиб кулди.— Йўқ, кулманглар, ҳақиқатан ҳам шундай. Комсомол-ёшлар уни оталиққа олган эканлар, хурсанд бўлмай бўладими. Мен Лутфиддинга омад тилайман. Яна шуни қўшиб қўяйки, унга ўз тажрибаларимни ўргатиш билан бирга мусобакага ҳам чақираман.

Яна қарсақ янгради. Лутфиддин ўрнидан туриб, Найни акага қўл берди.

### 3

Ушанда қиш эди.

Қор қалин тушган йил. Офтоб чарақлаб чиққан, оппоқ қор нур қўйнида жилваланарди.

Найни ака марказ томон бораркан, «Директор нима деркин? Рози бўлармикин? Бу ҳам асосий соҳа-ку? Айтаман. Қачонгача ғалла етиштиришда судралиб юрамиз. Чорвачилиқнинг оқсаётгани ҳам шундан эмасми?» деган саволлар унга тинчлик бермасди.

Совхоз директори хонасига яқинлашганда, бир зум тўхтаб қолди. Чўнтагидан буклоглик қоғозни олди-да, кўз югуртирди.

«Савай» совхозининг директори ўртоқ Б. Абдурахмоновга, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Т. Бобохоновга

## АРИЗА

*Мен, Маматқодиров Найни, кўп йиллардан буён пахтачилик бригадасига бошчилик қилиб келаман. Дон етиштириш, уни кўпайтириш, бу касбга ёшларни ўргатиш шу куннинг муҳим масалаларидан бири бўлиб турибди. Шунинг назарда тутиб, мени маккажўхоричилик бригадасига ўтказишларингизни сўрайман.*

Найни ака қоғозни авайлаб яна чўнтагига солди-да, ичкарига кирди. Секретарь қиз директор хонасидан чиқаётган экан:

— Марҳамат!— деди Найни акага йўл бериб.

Найни ака эшикни очиши билан директор ўрнидан турди. Илиқ сўрашишгач, сўзлашиб ўтиришди. Найни ака гап орасида дон, ғалла ҳақида гапирди.

— Мен бир иш билан келгандим,—ниҳоят мақсадга кўчди Найни ака.

— Марҳамат.

Найни ака чўнтагидаги қоғозни олиб, директорга узатди. Директор аризага кўз югуртиргач, секретарини чақирди.

— Партком секретари кирсин.

Секретарь: «Хўп бўлади», деб эшикни оҳиста ёпди.

Директор аризага яна кўз ташлади, айрим жойларини қайтадан ўқиди. Партком секретари киргач, аризани унга берди.

— Шундай денг,— деди директор ўйга чўмган ҳолда. Кейин қизил қаламни қўлига олиб олдидаги қоғознинг аллақайси жойига белги қўйди. Қўлини пешанасига тиради, қаламни столга уриб-уриб қўйди.

— Сиз нима дейсиз?— директор партком секретарига юзланди.

— Яхши, лекин,—партком секретари бир директорга, бир Найни акага қаради.— Бу йил бош кўтаролмай қолдик. Фақат сизнинг бригадангиз биринчи бўлиб планни бажарди, Найни ака! 31,5 центнердан ҳосил олган бригада бошлигисиз!

— Маккажўхорини ҳам кўтаришнинг пайти келмади-микан?—деди Найни ака.

Директор ялт этиб Найни акага ўғирилди.

— Пайти-ку келган. Мен ҳам анчадан бери шу ҳақда ўйлайман. Маккажўхорининг тилини тушунадиган кадрнинг муносибини тополмаяпмиз. Маккажўхори жуда нозик нарса. Мен ҳам маккажўхори ва унинг агротехникаси ҳақида талай маълумотлар тўпладим,— деди директор ва стол тортмасидан икки варақ қоғоз олди.— Блассизм, бу муҳим экинга ҳатто доҳиймиз Ленин ҳам эътибор берган. Лохий 1921 йилнинг октябрида Г. М. Қржижановскийга ёзган хатида: «Ҳеч бир ўсимлик ҳосилдорлиги жиҳатидан маккажўхори билан тенглаша олмайди», деб ёзибди. Ундан тайёрланган маҳсулотнинг

кўргазмаси очилган, унда маккажўхоридан тайёрланган 150 хил маҳсулот намойиш қилинган экан.

— Унда-ку, чорвамиз ҳам қаддини ростлаб оларди, тухум кўпаярди,— деди партком секретари.

Директор биринчи варақни нарироққа суриб қўйди. Иккинчи варақда турли диаграммалар чизилган, айрим жойларига чизиқлар тортилганди.

— Маккажўхорининг пояси ва барги тўйинмли ем-хашак эканлигини яхши биламиз. Ундан сифатли қоғоз ҳам тайёрлаш мумкин экан.

Сўтасидан эса нитроцеллюлоза, пўкак, жунли матоларни, металл, керамика буюмларини тозаловчи порошоклар, қурилишлар учун черепицалар, иссиқлик изоляцияси, ўғит ва ёқилги;



дондан турли хил консервалар, оқсилли таомлар, пенициллин, турли ачиткилар ва кондитер маҳсулотлари, ун ва крупалар, маргарин, совун, бўёқлар;

дон шарбатидан кондитер маҳсулотлари, турли шарбатлар, пиво, тўқимачиликда, тернии ошлашда ишлатиладиган дори-дармонлар;

маккажўхори крахмалидан тайёрланадиган децери-дан тўқимачилик газламалари учун елим, қоғоз, липо-леум, клеёнка, гугурт, сиёҳ тайёрланар экан.

— Вой-бўй, бежиз уни паҳлавон экни деманман-да,— Найни ака жилмайди.

— Худди шундай.

— Мен маккажўхорининг аҳамияти ҳақида гапирдим. Бироқ пахтамиз бундан ҳам қимматли эканлигини унутмаслигимиз керак. Пахтачилиكنи сиздек тажрибали деҳқонлардан маҳрум қилиш қанчалик қимматга тушишини биласизми?

— Биладан. Пахтачиликда бири-бирдан тажрибали кадрларимиз етишиб чиққаётганини ҳам биладан. Мен энди бу соҳани уларга ишониб топшириб, маккажўхори етиштиришдаги ўз тажрибаларимни кўрсатсам...

Партком секретари бошини кўтариб, Найни акага қаради.

— Аммо бир шартимиз бор, Найни ака. Пахтачиликда қарийб 20 йил бригадирлик қилдингиз. Ушлаб шо-гирдлар тайёрладингиз. Маккажўхори ҳосилини ошириш билан бирга ёшларимизга ҳам мураббийлик қиласиз.

Директор рози бўлди. Партком секретари ҳам унинг қўлини қисди. Табриклашди. Найни ака хонадан чиққан-нида қўй кўзлари норлар, юзларида севинч жилва қиларди.

#### 4

Лутфиддин уйга келибоқ, институтдаги конспект дафтарлари, дарслик китобларидаги маккажўхори, маккажўхори агротехникаси ҳақидаги билимларни қайта ўқишга тутинди.

## Лутфиддиннинг конспект дафтаридан

1492 йил.

Саёҳатчи Христофор Колумбнинг буйруғи билан келаётган «Святая Мария», «Пинта», «Нинья» кемалари бепоён океан бағрида сузиб борарди.

27 октябрда улар каттагина оролга қўндилар. Колумбнинг ўз сўзлари билан айтганда «бунақа гўзал ерни умрида кўрмаган». Саёҳатчилар табиати, иқлими, ўсимликлари билан мафтун этган бу ўлка Куба эканлигини билишмаган.

Улар ўлкани ўргана бошлайдилар. Ёввойи пахта экинни кўрадилар, батат, фасоль, боби сингари экинларни кузатадилар ва ниҳоят, маккажўхорини ҳам учратадилар. Бу ҳақда Колумб 5 ноябрда кундалик дафтарига: «Мен маис<sup>1</sup> деб номланган донни кўрдим», деб ёзиб қўйган.

Маккажўхори Американинг қадимги экинларидан бири бўлган. Бу ўсимлик бундан бошқа қадимги афсоналар, мифлар ҳам мавжуд.

Қадимги мексикаликлар нон ясаган биринчи аёл худо Чикомекотега сийнаганлар. Чикомекоте бошида маккажўхорини поштириш, ун қилида эса сугани ушлаган ҳолда тасвирланган. Американинг қадимий халқлари ацтеклар ҳам ўзларининг бир неча худоларини маккажўхори билан болаганлар. Худоларни маккажўхори қиёфасида тасвир этганлар, рапгини ҳам ана шу экип рангига ўхшатганлар.

Қадимий давлатларнинг яна бир халқлари инкларда эса маккажўхорини экиш байрамга айланган, ҳатто ҳукмдорнинг ўзи далага чиқиб, олтин белкурак билан ерни кавлаб, маис донини экиб берган.

Шимолий америкалик ҳиндларнинг одати бундан ҳам қизиқ. Қелинлар ўз куёвларига маис донини тақдим

---

<sup>1</sup> М а и с — маккажўхорининг ҳиндча номи.

этади. Аёллар эса қаҳрамонона курашган жангчига сўта беришни лозим топишган.

Маккажўхори эрамиздан 2500 йил илгари пайдо бўлганлигини кўп олимларимиз таъкидлашади.

Бу нодир экин Қолумб саёҳатига қадар на Осиёда, на Африкада ва на Европада маълум бўлган. Биз маккажўхорининг ватани Америка дедик. Кейинги йилларда баъзи олимларимиз маккажўхорини Осиёдан олиб борилиб, Америкада ўстирилган деган фикрларни ҳам айтмоқдалар.

XVIII асрга келиб, маккажўхори Россияга олиб келинди. Бессарабия, Закавказье, Шимолий Кавказ, Украина ва бошқа жойларда экила бошланди.

Лутфиддин маккажўхори тарихи ҳақидаги саҳифани ўқиб бўлгач, дафтарни мамнун ёпди. «Қадимги халқлар ҳам бу экинни бежиз табаррук санашмаган, унга сиғинишмаган бўлса керак. Энди уни ўз қўлим билан яратиб, ҳамма хосиятларини очаман», кўнглидан ўтказди у.

## 5

Лутфиддинни эрталаб қуёш уйғотди.

Тонг шамоли деразадаги ҳарир пардани учириб ўйнарди. Дадаси аллақачон ишига кетган кўринади.

У ташқарига чиқди. Арофатхон ая тандирга ўтин қалаётганди. Юлдузхон даҳлизда нон ясаепти шекилли, дам-бадам чекичнинг «дук-дук» товуши эшитиляпти. Ҳулкар ариқ лабида чойнак-пиёлаларни қум билан ювяпти.

— Турдингми?— деди аяси ўғлининг остонада турганини кўриб,— нега ўйланиб қолдинг?

— Узим-м,— жавоб берди Лутфиддин ва юз-қўлини ювгани ўтиб кетди.

У ўйларди: «Найни ака маккажўхорини паҳлавон экин деди. Эплай олармикинман?!— Унинг аллақаери жиз этди.— Ишқилиб эл-юрт олдида кулги бўлмасмикинман?»

Сув ариқ четларига шалоплаб урилади. Кўприкка тегай-тегай дейди.

— Ака, чойга келинг.

Лутфиддин шошиб юз-қўлини ювди, гулдор сочиққа артинди-да, ичкари кирди...

Лутфиддин 5-бўлимга етиб келганда қуёш икки терак бўйи кўтарилганди. Бригадага биркитилган аъзолар етиб келгунча туш бўлади, деб ўйлаганди, қаёқда. Миркомил Эрматов, Обид Чирмашев, Топволди Бегбоев, ҳатто пенсионер ўқитувчи Исроил тоға Алиев ҳам уни кутиб туришган экан.

— Кечирасизлар,— деди Лутфиддин улар билан сўрашар экан.

Тоға мийғида кулди.

— Бир сафар кечирамиз, кейин қайтармасангиз бўлгани.

Ҳаммалари бўлим бошлиғининг олдига киришди. Бўлим бошлиғи уларни кўрибоқ хурсанд бўлганидан:

— Мана бу бошқа ган,— деди.— Шаҳлавон экин билан бел олишганими?

— Худди шундай.

Хозир бошамиз

... 42 гектарлик майдонни оралаб чиқишди. Ернинг нами селгиб қолган, яна бирор ҳафталардан сўнг трактор тушса бўладиган.

Бўлим бошлиғи маккажўхорикорларни шийпонда қолдирди-да, ўзи орқага қайтди.

— Сизлар маслаҳат қилиб туринглар, мен ҳозир келаман.

Лутфиддин бош қимирлатди. Машина узоқлашди.

Лутфиддин сўрига ўтирди. Миркомилнинг қовоқлари солиқ, бошини ерга эгганча, қулоғининг остини қашияпти. Обид далага узоқ назар солди. Тоға бир бригадирга, бир Обидга кўз ташлаб, «энди нима қиламиз» дегандек елка қисиб қўйди.

Лутфиддин ўй ўйларди.

Ер. Мана шу срлар бригаданики. Лутфиддин ҳам, тога ҳам, Обид ҳам, Топволди ҳам, Миркомил ҳам шу ср учун жавобгар.

— Шунча майдонга бас кела оламизмикни?! Эплай олармикимиз? Ахир Найни ака билан қўл олишдик,— деди Лутфиддин ўзига ўзи гапиргандек.

— Қўрқма! Найни акада тажриба бор, сенда билим бор. Билимга суян. Билиминг шу ернинг хазинасини очадиган олтин калит. Ундан фойдалан, уялиб қолмайсан. Мен ўқитувчиман, сув қўйиб тарбиялаб бораман. Мана бу паҳлавонлар бекорга белини боғлаб чиқмаган. 100 центнер дедикми, бажарамиз,— деди тога Лутфиддинга далда бериб.

Қуёш рўпарадан нур сочиб, уларга «оқ йўл» тиларди, икки мусича электр симида бири қўйиб, бири кукулайди.

Шийпон томонга машина яқинлашиб кела бошлади. Лутфиддин ўрнидан туриб, арнқ бўйига юрди. Аъзолар эргашишди.

— Демак, бажарамиз,— деди Лутфиддин.

— Албатта.

Машина тўхтаб, ундан бўлим бошқарувчиси тушганда ҳамманинг чеҳраси ёруғ, кулимсирар, кўзлар ерга меҳр билан боқарди.

Эртаси купи бригаданинг дала шийпони яшнаб кетди. Учоққа ўт қаланди, радиодан ажиб, меҳнатга ундовчи куй таралди, далада трактор гуриллади, ёшлар қўшиқ бошлаб, ишга киришдилар.

## 6

Найни ака шийпонга етиб келганда, қуёш айри те-ракнинг орасидан мўралаб турарди. Дам олиш хонасида янги газеталарни кўздан кечираётган Тўхтасин Иса акага баъзи жойларини ўқиб бериб, кулдириб ўтирарди. «Жанговар варақа» чиқараётган Маматисмон бошини кўтариб, Тўхтасиндан сўради:

— Экишни уч кунда тугаллаймиз деб ёзаверайми?  
Тўхтасин қўлидаги газетани буклаб, ёнига қўйди.

— Ҳозир,— деди-да, ўридан турди.

Хонага Найни ака кириб келди.

Ташқаридан мотоциклнинг овози эшитилди. Тўхта-син дераза пардасини четга сурди.

— Абдурайим келди.

Найни ака ташқарига чиқди. Абдурайим ўтган йил-дан бери агроном ёрдамчиси эди.

— Келинг, Абдурайим,— деди Найни ака.

Йигилишдан эрта қайтворибсиз-да, Найни ака! Яхши бўлибди. Эртадан экишни бошлар эканмиз. Раҳбарлар уч кун муҳлат беришяпти.

— Уч кун?

— Ҳа, атиги уч кун,— қайтарди Абдурайим.— Бўлма-са кеч қолар эканмиз. Ўтган йилдагига ўхшаб ёғин-со-чинга қолиб кетмаслигимиз керак.

— Абдурайим, уч кунда-ку экиб оламиз. Кейин-чи, кейин нима қиламиз. Уч кунда йигиштириб ола ола-мизми?

— Унгача бир гап бўлар.

Найни аканинг кўзлари чакнади, қошлари чимирла-

— Биз кейинни ўйлаяпмиз, Абдурайим. Мақсад ик-ки-уч кунда уругни ерга кўмиб кетиш эмас. Доннинг сифатига эътибор беришимиз, ҳар дона уруғ учун жон куйдиришимиз керак.

Абдурайим бирпас жим қолди.

— Сизга бир нима деб бўлмайди, Найни ака. Деҳ-қончиликда мурабийсиз. Менинг ҳам раъиймга қара-нг-да. Макканинг тақдирига мен ҳам жавобгар эканим-ди унутманг.

— Маккажўхори нозик экин, ука,— деди Найни ака секин.— Биласизми, ўтган йили 4—5 центнердан ҳосил-ни ўз қўлимиз билан йўқотдик. Оддий нарсаларга эъти-бор бермаганимиздан шундай бўлди. 4—5 центнер-а!



Устоз ва шогирдлар.  
Найни Маматқодиров ва Лутфиддин  
Сайфиддинов.

Дон бир купда экилдимп, яхшлаб парварншласангиз бир пайтда вояга етаркан. Йиғштириб олиш эса чўзилиб кетяпти. Пишган дон ўз вақтида йиғштириб олинмаяпти, қовжираб исроф бўляпти. Силосни ҳам кўнгилдагидек қилолмаямиз. Тушуниясизми, ука. Экишга келсак, эртадан бошласак бир ҳафтада тугаллаямиз.

— Сводкага уч кун деб ёза қолай...

— Дон-а, дон? Додай табаррук нарсага ёлгон аралаштирасизми, Абдурайим.

Абдурайим худди чўғ босиб олгандек чўчиб тушди. Найни аканинг кўзларига қарай олмади. У мотоциклини ўт олдириди-да, бошини сарак-сарак қилганча йўлга тушди.

Тўхтасин тракторни ўнгга, пайкал томонга бурди. Бошқалар унинг орқасидан илдам юрпб кетишди.

## 7

Гилос гуллади.

Бу гуллар баҳор фаслини олиб келди. ерни уйғотди.

Пайкал орқасидан келган тракторнинг ака ҳар тонг мана шу файзли далага ошиқади. Шийпонга пайкал оралаб боради. Бораётиб қуёшнинг чиқишини кузатади. Найни аканинг назарида табиат бободехқон меҳнатига арзигулик совга улашаётгандек зар билан тўлдирилган лаганни инъом этади.

Деҳқон бўлишнинг мана шунақаси яхши. Бепоен дала, беғубор ҳаво, ложувард само, шаффоф сув... Дала четларидаги тутларнинг шапалоқ-шапалоқ япроқлари, ариқларда оқаётган сувнинг жилдираши, тракторнинг бир меъёрдаги товуши, йигит ва қизларнинг дилни тўлқинлантирувчи қўшиқлари...

Деҳқон бўлишга нима етсин?

Машина шийпон ёнида тўхтади. Совхоз директори далаларга мамнун боқиб, шийпон томонга юрди. Бош



агроном билан Найин ака директорнинг истиқболга чиқишди.

— Абдурайим кўринмайдими?— сўради директор улар билан сўрашгач.

— Утган кун и келганди. Икки оёгини бир этикка тикиб, уч кунда экишни тугаллайсизлар, деб кетди.

Директор мийиғида кулиб қўйди.

— Сизлар нима дединглар?

— Уша кунларда ер экишга тайёр эмасди. Бугун ҳаво анча илеб қолди. Гилоснинг гулини қаранг. Шундай гуллабдики...

— Ерни ўлчаб кўрдингларми?

— Ҳа, 10 сантиметр чуқурликда 12 градус иссиқ экан. Дон бир ҳафтада бемалол униб чиқади.

259 972 Директор трактор гуриллаб юраётган томонга йўл олди. Тўхтасин Мамадалиев бошқараётган трактор секинлаб тўхтади. Иса Мирзаев билан Абдурахмон Ғафоровлар уруғликни ортишди. Трактор яна илдамлаб кетди.

— Бу йил ҳар гектар ердан 120 центнердан ҳосил оламиз, шунинг учун ерни экишга тайёрлашдан бошлабоқ агротехника қоидаларига риоя қиляпмиз. Мўл-кўл силос бўлишини таъминлаймиз.

— Силос тўйимли озуқа. 1 килограмм кунгабоқар силоси сигирни 12—15 граммга семиртурса, 1 килограмм маккажўхори силоси 20 граммга семиртирар экан. Кўр-ялсизми маккажўхорининг тўйимлилигини. Шунинг учун сизларга ишонамиз. Шогирдингиз Лутфиддиннинг дала-сида ҳам бўлдим. Ерни шундай тайёрлашибдики, азаматлар, ҳавасим келди. Ҳушёр бўлинг, «Устоздан шогирд ўзибди» бўлмасин тагин. Доғда қолманг!

— Биз ҳам бригадада бўлиб қайтдик. Доғда қолмай-миз!

Енгил кулги кўтарилди. Директор бир сиқим донни қўлига олиб, сифатини текширди.

— Сизларга муваффақият тилайман! — деди Найин

ака билан хайрлашаркан! — Уста деҳқон, миришкор бригадирсиз. Ҳайлаймизки, сўзингизнинг устидан чиқа оласиз.

## 8

Абдурайимнинг ичи ёнарди.

Нега унинг бахти очилмайди? Нега доим орқада суд-ралиб юргани-юрган? Илгари-ку, бир нави эди. Лутфиддин қишлоқ хўжалик институтини битириб келди-ю, унинг ичини ари талайдиган бўлиб қолди.

Эсида, Абдурайимга ҳам: «Бу йил маккажўхорилик комсомол-ёшлар бригадасига бошчилик қилинг, чорванинг, доннинг шуҳратини бир кўтариб беринг», дейишганди. Аввалига у «хўп» демоқчи бўлди-ю, кейин: «Бригадир бўлсам, шу вазифада қолиб кетаман, унда қачон агроном бўламан-у, қачон бўлпм бошлиғи, директорлик вазифасига кўтариламан». деб ўйлади. У агрономликни раҳбарлик курсисига ирғишга охирги қадам деб биларди. Мана бир йил ўтиб бораптики, ҳамон иши шу.

Эх, ҳам қачон — бошига маккажўхорилик  
га ишмайсан? Ушанда тилга кирсанг бўлмасмиди?!  
Иўл-йўриқ кўрсатсанг асаканг кетармиди? Мана Лут-  
фиддинни кўргин.

Совхознинг катта-кичиги клубга тўпланишди. Абдурайим уларнинг орасидан туртиниб-суртиниб олдинга ўтди. Биринчи қаторга бориб ўтирди. Ўтирди-ю, Лутфиддинни Найни аканинг ёнида — президиумда кўриб, кайфи учиб кетди.

Совхоз директори Абдураҳмонов сўзларди. У маккажўхорикорларни, Лутфиддиннинг номини тез-тез тилга оларди. Уни ҳар сафар гапирганда Абдурайим бир чўчиб тушар, кимдир танасига игна санчгандек бўларди.

Лутфиддинга сўз берилди.

У мағрур қадам ташлаганича минбар томон юрди.

Абдурайим еб қўйгудек бўлиб минбарга қаради. Лутфиддин дадил, сўзларни дона-дона қилиб маккажўхори парвариши ҳақида гапирди.

— Биз йил бошиданоқ имкониятимишни чамалаб чиқиб, ҳар гектар майдондан 100 центнердан дон олиш мажбуриятини олдик. Бригадамиз аъзолари тажрибали маккажўхорикор Найни ака Маматқодиров билан мусобақалашишга тайёр.

Залда гулдурос қарсақлар янгради.

«Мен ҳам директорнинг олдига кираман. Ўзимни кўрсатаман. Абдурайимнинг қанақа деҳқон экапчилиги кўриб қўйинсин. Лутфиддиндан олдин орден тақмасам, отимни бошқа қўйгапим бўлсин», дилидан ўтказди у.

Одамлар оқими «гурр» этиб ташқарига отилди. Абдурайим эриниб ўрнидан турди-да, оқимга эргашди.

## 9

Тажриба-ўқув мактабида дарс борарди.

Америка Қўшма Штатлари маккажўхори экиш бўйича биринчи ўринда туради, маккажўхори дони бу ерда буғдойдан икки-икки ярим марта кўп олинади. Маккажўхорининг иккинчи ватани Аргентинадир. Осие, Африка ва Европа мамлакатлари ичида Совет Иттифоқи, Руминия, Венгрия, Чехословакия, Ҳиндистон кўп майдонларга маккажўхори экади.

Хўш, шундай экан, маккажўхорининг қиммати нимада? Нега у шунчалик кўп майдонга экилади?

Маккажўхори хосиятли, сахий экинлардан. Ундан тайёрланаётган маҳсулотлар йилдан-йилга ортиб борапти. Академик Н. В. Цицин маккажўхорини «мураккаб экин» деб бежиз айтмаган.

Барча дон экинлари сингари маккажўхори донида ҳам углеводлар кўп. Маккажўхорида углеводлар 65—70

процентни, оқсил 9—10 процентни ва ёғ 4—6 процентни ташкил этади.

Маккажўхорининг кимёвий хусусиятига келганда, бошқа бошоқли экинлар сингари у ҳам қуёшни, соф тупроқни ёқтиради.

Мамлакатимизда маккажўхори ҳосилдорлиги кўрсаткичининг пасглигига сабаб нима? Бунга асосий сабаб шундаки, маккажўхори қуёшни ёқтирадп. Лекин бу экин кўпроқ Украина, Волгабўйи областлари сингари серпам зоналарда экилмоқда.

Серқуёш ўлкаларимиз асосан пахта билан банд бўлиб, бу соҳага етарли эътибор бермай келдилар.

Маккажўхорининг халқ хўжалигидаги қимматини ҳисобга олиб, партиямиз XXIV съездида қабул қилинган 1971—1975 йилги халқ хўжалигини ривожлантириш планида мамлакатда маккажўхори дони ҳосилдорлигини ҳар йили ўртача 195 миллион тоннага етказиши планлаштирилган.

Республикамизда дон ҳосилини 80 центнерга, кўк массани ҳар гектар майдондан 500—800 центнерга кўтариш вазифаси қўйилган.

Ташкент областидаги П. П. П. районининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Любовь Ли бошлиқ бригада ҳар гектар майдондан 65—70 центнердан хирмон кўтарган. Унинг издоши—Янгийўл районидаги Калинин номи колхозининг Роза Отабоева етакчилик қилаётган бригадаси эса, дон ҳосилини 50 центнерга, кўк массани эса 1800 центнерга етказдилар.

Маккажўхоричилик тарихида ҳатто 150—200 центнердан ошириб дон етиштирган бригадалар бор. Бу украиналик машҳур маккажўхорикор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Марк Озерний эди. У 1947 йилда ҳар гектар майдондан 224 центнердан дон етиштириб, рекорд ўрнатган.

Бизда барча имкониятлар бўлишига қарамай, республикада ўртача ҳосилдорлик жуда паст даражада.

Найни ака тингловчиларга савол назари билан қаради.

Хона жимпб қолди. Ҳамма ўйга чўмган эди. Найни ака бу саволни фақат савайлик маккажўхорикорлар олдига эмас, балки бутун республика деҳқонлари олди-га кўндаланг қўйиш кераклигини тушунди.

## 10

Орадан кўп вақт ўтмай Найни аканинг бу саволини, мурожаатини Ўзбекистон радиоси тўлқинлари бутун ўлкага етказди.

Жумладан, мурожаатда шундай сатрлар бор эди:

«Республикамизда илғорлар тажрибасига таяниб, маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириб келаётган хўжаликлар, бригадалар сопи йил сайин ортиб борапти. Любовь Ли, Хуррам Бобоев, Ҳасан Абдиев сингари донгдор маккажўхорикорлар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Уларнинг бой тажрибасини оммалаштириш, бу тажрибани барчанинг мулкига айлантириш — ҳар биримизнинг жонажои ишимиз бўлмоғи керак.

Республикамиз комсомол-ёшларининг маккажўхори етиштиришни ўз оталиқларига олганликлари бизларни беҳад хурсанд қилди.

Лекин, шу нарсани ачиниш билан айтиш керакки, республикамизнинг ҳамма хўжаликларида ҳам бу қимматли эксини етиштиришга етарли эътибор берилмаяпти.

Унга иккинчи даражали эксини сифатида қараш ҳоллари содир бўляпти. Шундай хўжаликлар ҳам борки, улар гектаридан аранг 30—40 центнер атрофида маккажўхори дони олиб келяптилар. Силос учун экилган майдонлардан олинаётган кўкпоя эса 200—300 центнердан ошмаяпти.

Хўш, бунинг сабаблари нимада?

Авалло шуни айтиш керакки, бир қатор хўжаликларда маккажўхори энклагидан майдонларнинг унумдорлигини оширишга етарли эътибор берилмайди. Маккажўхори парваришига келганда эса, унинг агротехикасига тўла риоя қилинмайди: вақтида ўғитланмайди, суғорилмайди, культивация кечиктириб юборилади. Оқибатда маккажўхори ниҳоли авж олиб ўсмайди, бинобарин, ҳосил кам бўлади.

Яна бир нарсапи очиқ айтишга тўғри келади. Айрим хўжаликларда «Пахта турганда маккажўхорига йўл бўлсин» қабилда иш тутиб, бу қимматли экинга эътиборни сусайтириб юбордилар. Тўғри, пахта — асосий экинимиз, бебаҳо бойлигимиз. Лекин маккажўхори ҳам худди шундай қимматли экин. Яхши раҳбар, тадбирли мутахассис, ишбилармон деҳқон экинни биринчи-иккинчи даражали экинга ажратмайди. Ҳаммасига бирдек эътибор беради. Натижада хоҳ у пахта, хоҳ маккажўхори ёки бошқа экин бўлсин ҳаммасидан ҳам муҳим ҳосил етиштиради.

Келинг, дўстлар, бупдай кўнгилсиз ҳолларга батамом чек кўяйлик. Маккажўхорини ҳамма жойда ардоқлаб, парвариш қилиш керак. Биринчидан барча экин майдонларида тўла гектарлар ҳосил қилиб, маккажўхори ниҳолини парваришлашни ҳар томонлама қизитиб юборайлик».

## 11

Найни ака кўпчиликнинг дилидаги саволни ўртага ташлаган эди. Андижон область комсомол-ёшлари Найни аканинг ташаббусини маъқулладилар ва мурожаатига жавоб бердилар.

«Биз, комсомол-ёшлар ҳосилдорликни ошириш, ялли ҳосилни кўпайтириш ва чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий резерви ҳисобланган маккажўхори етиштиришни ўз оталигимизга олганмиз.

Бу йил областимиз бўйича 10200 гектар ерга маккажўхорининг районлаштирилган гибрид ВИР—338 нави қисқа ва юқори агротехника муддатларида экилди. Тўла гектарлар ҳосил қилиш мақсадида карта қирғоқлари ва ола чиққан жойларга уруғ қадалди. Натижада ҳар гектар ерда 55—60 минг тупдан кўчат ҳосил қилишга эришдик. Ҳозир парвариш қизгин давом этмоқда. Сувдан, минерал ва маҳаллий ўғитлардан тўла фойдаланамиз. Экинни тупроқ шароитига қараб, қондириб суғорамиз. Икки марта «шарбат» суви оқизамиз. Бу тадбир маккажўхори ўсиб, трактор киролмайдиган вақтда амалга оширилади. Юқоридаги тадбирларнинг ҳаммаси гектаридан 85—90—100 центнердан зиёд дон етиштиришни таъминлайди.

Биз ишимизда устозимиз Найни ака Маматқодировнинг маккажўхоридан мўл ҳосил етиштиришдаги бой тажрибасига амал қиламиз.

174 та маккажўхоричилик бригадасини ташаббусимизни қўллаб-қувватлашга чақирамиз. Уларни шу кунларда маккажўхори парваришини юқори агротехника қоидалари асосида ўтказишга даъват этамиз. Ҳамма бригадаларда социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдирамиз».

## 12

Найни ака пайкал оралаб борар экан юзига табасум югурди.

Қуёш маккажўхори орасидан мўралаб турибди. Иссиқ юзга гуп этиб урпладди. Эгатларда бегона ўт кўрнмайдди. Икки-учтадан сўта қучоқлаган маккажўхори яйраб ўсяпти. «Трактор киролмайди энди, «шарбат» оқизиш керак», ўйлади у.

Найни аканинг хаёлига яна Марк Озерний келди. Эҳтимол, унинг ҳосили худди шунақа бўлгандир. Бир сўтанинг донини санаб кўрди, 600 дона. Урта ҳисобда 500 донадан бўлганда ҳам бемалол 120 центнер!

Найни ака бир пайкалдан иккинчисига ўтар, маккажўхори билан «сўзлашар», «дардини тинглар»ди.

— Найни ака!

Узоқдан Маматисмоннинг овози келди. Найни ака сергакланди. Қўли билан маккажўхори барглари қайириб, ўзига йўл очар, овоз келган томонга илдамларди.

— Ҳозир!

Найни ака пайкалдан чиққанда пешана-қовоқлари чизилган, юзларига гуллар қўнганди.

— Раҳмонжон келди, — деди Маматисмон. — Мусобақадорлар келишган экан. Сизни кутиб ўтиришибди.

Улар шийпон томон илдам юриб кетишди.

### 13

Саратон.

Қуёш тиккага келган. Энди у манзилига етгандек бор кучи билан олов пуркамоқда. Шийпон ёнидаги сертук шафтоли барглари орасидан мўралайди. Олмалар тап-тап тўқнашади.

Лутфиддин кафтини пешанасига тираганча ўтирибди. Тоға дастурхон ёзди, нон ушатди. Икки косада иссиқ овқат олиб келишди.

— Овқат ичинг...

Лутфиддин тоғага ўгирилди. Қўзи пайкалга тушди. Бўй чўзиб қолган маккажўхорилар «менга ҳам бир томчи сув беринг», деяётганга ўхшади. Лутфиддин иргиб ўрнидан турди.

— Овқатингизни ичволинг.

— Раҳмат. Ҳозироқ бўлим бошлигининг олдига бораман. Сувни ҳал қилиш керак.

Тоға ўрнидан турди.

— Мен ҳам гаплашганман. Ваъда беришяпти.

— Ваъдаларга ишониб ўтирамизми? Райкомга ҳам бораман.

Лутфиддин илдам юриб кетди. «Юрагида қўри бор,— ўйлади тоға.— Директор кадр танлай олади.



Берсанг ейман, урсанг ўламан, дейдиганлардап бўлгандами? Йўқ, Лутфиддин бунақа эмас. Жонкуяр ва ташаббускор».

Лутфиддин бўлим бошлигини тополмади. Энди марказга чиқаман деб турганда, райондан юборилган вакил келиб қолди.

Лутфиддин вакилга қарши юрди:

— Саккиз гектарлик майдонни бугун-эрта суғормасак бўлмайди.

Вакил қовоқ солди. Лутфиддин бунинг бонсини тушунди.

— Сиз бир бориб кўринг, япроқлари сўлиб, бужмайиб боряпти.

— Биладан.

Лутфиддин ўзини зўрға тутди.

— Ахир тушунинг, бу йил катта мажбурият олганмиз?

Вакил яна ёв қараш қилди:

— Сув йўқ!

— Бўлим бошлиғи сизнинг навбатингиз деганди-ку?!

— Менга пахта зарурми, ё сизнинг маккангизми?

— Икковига бирдек қарайсиз?

— Менга пахта керак, тамом. Икки ҳафтагача сув беролмаймиз.

— Шунақами?

— Шунақа.

Лутфиддин терс ўгирилди-да, совхоз томон юриб кетди.

У ҳали темир йўлдан ўтмаган ҳам эдики, район комсомол комитетининг биринчи секретари Раҳмонжон Бўрибоев ўтиб қолди. «Газик» йўл чеккасида тўхтади. Лутфиддин сояга ўтди. Раҳмонжон Лутфиддиннинг гапларини эшитгач, хиёл кулиб қўйди:

— Шунини ҳал қилиб келяпман, Лутфиддин,— деди кейин.— Ҳаммада аҳвол шу. Эртадан кейин икки кун сув тарайсизлар.

Лутфиддиннинг кўзлари чақнаб кетди. Юзида мам-  
нунлик пайдо бўлди:

— Раҳмат!

Икковлари яёв кетишди.

Улар совхоз идорасига яқинлашганларида Абду-  
райим кулимсираб келарди. У Лутфиддинни кўрди-ю,  
қувончини яширди, сохта жилмайишга ўтди.

— Мени табриклашингиз мумкин, Лутфиддин.

— Табриклайман.

— Нима билан?— деди Раҳмонжон.

— Биз ҳам Лутфиддиннинг бўлимида ишлайдиган  
бўлдик. Бўлим агрономи.

— Жуда соз, бирга ишлаймиз,— деди Лутфиддин.

— Яхши,— Раҳмонжон Абдурайимнинг қўлини қис-  
ди.— Эртадан Лутфиддиннинг бригадасига сув берасиз.

— Жоним билан.

Улар ўтиб кетишди. Абдурайим турган жойида без-  
лайиб кетди.

— Сув бериб бўлман. Илтимос қилади мендан. Уп-  
гача бир югурсин.

Абдурайим орқага қайрилганда Раҳмонжон билан  
тишаётган эди.

## 14

Найни ака келармиш деган хабар кечадан бери  
тилдан тушмай қолди. Лутфиддин ҳозиргина даладан  
келган, пайкалдаги маккажўхоридан кўз узмасди. Тога  
кетмонни елкасига қўйганча қўшни пайкалдан ўтди. У  
дала шийпонига келгач, ажриққа этигини артди-да,  
кетмонни сувга солди. Белбогига қистирилган яхтаги-  
нинг барини туширди. Муздай ариқ сувида юз-қўлини  
ювди. Лутфиддиннинг ёнига келар экан жилмайиб:

— Тугатдик,— деди.

Тога ўтган куни ўн гектарлик майдонга сув очганди.  
Икки ярим кунда суғориб бўлди.

— Ун икки гектарликка ҳам сув тарашимиз керак, тоға.

Тоға Лутфиддин айтаётган пайкалдан ҳозиргина келганди, шунинг учун бошини қимирлатиб қўя қолди.

— Бугун кечқурун очамиз.

Сут ранг машина дала шийпони томон бурилди.

— Келишяпти,— Лутфиддин ўрнидан туриб, Найни акага пешвоз чиқди.

Найни ака машинадан тушар экан жилмайди.

— Сиздан ўргангани, тажриба алмашгани келдик, Лутфиддин.

Лутфиддин қизарганча ерга қаради. Кейин Найни акага боқаркан:

— Сиз устозимиздан ҳар қанча ўргансак ҳам оз,— деб қўйди.

Меҳмонлар сўрига ўтиришди.

Район комсомол комитетининг биринчи секретари Раҳмонжон Бўрибоев Лутфиддиннинг бригадаси ҳақидаги маълумотларни кўздан кечирарди.

— «Малика»нгиш жамолини кўрайлик олдин,— ҳазиллашди Найни ака.— Шу кунларда қандай очилдикин...

Раҳмонжон кулиб юборди. Лутфиддин ҳам бўш келмади.

— Марҳамат. «Малика»миз сизга мунтазир.

Улар ариқдан ҳатлаб пайкалга ўтишди.

Маккажўхорининг барглари майин шабадада шитирлар, бўлиқ поялари кўзни қамаштирарди.

Найни ака эгат оралаб борар, айрим кўчатларнинг сўта пўстлогини қайириб, донга назар ташлар, санарди.

— Ҳашаротга қарши қандай қимёвий дорилар қўлладингиз?

— Илдиз чириш, фузариоз, қоракуя касалликларига қаршимиз?

Найни ака бир бачкини юлар экан, ҳа, дегандай бош қимирлатди.

— Экишдан олдин уруглик маккажўхорини 12 процентли гексахлоран кукуни, тоннасига 2—3 килограмм ТМТД қўшиб дорилаганмиз. Шу билан бирга илдиз зараркунандаларига қарши курашда экиш пайтида гексахлораннинг 4 процентли гамма-изомери билан заҳарланган донадор суперфосфат ҳам солганмиз.

— Хлорофосга 5 килограмм сульфанат қўшиб пуркалмабди-да.

— Ҳа, сульфанат қўшмоқчи эдик, Абдурайим сира кўнмади.

— Нега кўнмайди,— юришдан тўхтади Найни ака.

— Барибир фойдаси бўлмайди, деди. Тушунтирдим. Бир йўла кемирувчи ва сўрувчи зараркунандаларга ҳам қирон келади дедим. Топиб бермади.

Найни ака индамади, анчадан сўнг «аттанг» деб қўйди. Лутфиддин Найни акага қаради.

— Кўряпсизми,— деди Найни ака бир маккажўхорини кўрсатиб.— Мана шу кўчатда кемирувчи ҳашарот бор. Ҳозир айни пайти. Дорилар керак.

— Топамиз, Лутфиддин,— деди Раҳмонжон.

Найни ака орқага қайтди. Дала шийпонидаги радиодан шўх кўшик эфирлади.

## 15

Ҳосил ўриб-йиғиб олинаётганда Раҳмонжон Бўрибоев келиб қолди. Машинадан у билан бирга икки меҳмон ҳам тушди. Бирини ўрта бўй, қорақош, ёшгина йигит. Ёнидагиси эса новча, оппоқ юзли, пешанаси кенг, ўттизлардан ошган.

Лутфиддин меҳмонлар сари юрди.

— Танишинг, Лутфиддин Сайфиддинов,— беғубор кулди Раҳмонжон.

Меҳмонлар қўл узатишар экан, ўзларини таништиришди.

— Тошкентдан, «Ёш ленинчи» газетасидан,— тўлдирди Раҳмонжон.

Улар «Херсонец» комбайни томон юришди.

Пайкалда меҳнат авжида. Комбайн тинмай гуриллар, ёнидаги тележка силосга тўлиб борарди. Дои ялт-юлт этади. Уч-тўрт йигит-қиз пайкал оралаб юришибди. Бирор дона сўта ерга тушгудек бўлса, териб олишяпти.

Мухбирлардан бири Лутфиддинни гапга тутди.

— Тажрибаларингиз ҳақида гапириб берсангиз?

Лутфиддин жилмайди. Вақтини қизгандими, чўнтагидан икки варақ қоғоз олди.

— Марҳамат, Володяга хат ёзгандим. Ҳаммасини ёзганман.

Мухбирлар хатни ўқий бошлашди.

*«Дўстим Володя.*

*Хатингни олдим. Краснодарлик илғорларнинг тажрибаларини ёзиб юборганинг учун раҳмат!*

*Володя, агар мендан «дала маликаси»дан бунчалик мўл ҳосил етиштириш боисини сўраганларида, албатта, илғорлар тажрибаси қўл келганлигини, улардан самарали фойдаланганлигимизни айтган бўлардим. Шунинг учун айтар эдимки, бундай тажрибалар ҳамма учун, айниқса, биз комсомол-ёшлар учун катта мактаб ва имтиҳондир. Шундай эмасми?*

*Дўстим! КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёш маккажўхорикорларнинг республика кенгаши қатнашчиларига юборган табрик мактуби биз ёшларни янада юксак унум билан меҳнат қилишга руҳлантириб юборганини ёзган эдим. «Сизларнинг бу йил гектар бошига 60 центнер ва ундан ҳам кўпроқ маккажўхори олиш ташаббусингизни ҳар томонлама маъқулласа арзийди»,— деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев ўз мактубида. Шундан сўнг зиммага олган мажбуриятимизни қайта кўриб чиқдик. Ҳар гектар майдондан олинадиган ҳосилни 60 эмас, балки 90 центнерданга планлаштирдик. Бу, фидокорона меҳнат қилиш, ҳар бир минутдан самарали фойдаланиш, цстозлар*

тажрибасига амал қилиш ва ниҳоят механизацияга кенг ўрин бериш деган сўз эди.

Биз экишни қисқа муддатда тамомладик. Ҳар гектар ерга 3—4 тоннадан маҳаллий ўғит, 400—500 килограмдан суперфосфат солинди. «Дала маликаси» меҳр билан парвариш қилинди.

Маккажўхори парваришни ёқтиради. Шунинг учун ҳам бригадага биркитилган 5 нафар комсомол-ёш мўл дон етиштириш учун курашни қизитиб юбордик. Бригадада етарли техника ва шарт-шароитлар яратиб берилди. Миркомил Эрматов, Обиджон Чирмашевлар тракторлар билан қатор ораларига ишлов бердилар. Исроил Алиев, Омон Туманбоевлар пайкалларга оби-ҳаёт тарадилар. Уларнинг меҳнати зое кетмади. Натижада мўл ҳосил етиштирилди. Бугунги кунгача 42 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 105 центнердан ҳосил олдик.

Биз маккажўхори парваришини тажрибали деҳқонларнинг маслаҳатлари асосида олиб бордик. Бунинг учун район комсомол комитети совхозимизда еш маккажўхорикорлар мактабини ташкил этди. Маккажўхорини парвариш қилиш, озиқлантириш, суғориш, мўл ҳосил олиш ҳақида районнинг маҳаллий деҳқонлари, агрономлар, уюшмовчилар усталири бизларга ероам бериб турдилар. Айниқса, бунда совхозимизнинг биринчи бўлимида деҳқончилик қилган Найни ака Маматқодировнинг ҳиссаси катта бўлди. Найни ака бошлиқ бригада 103 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 115 центнердан ҳосил етиштирди. Бу район бўйича энг юксак кўрсаткичдир.

Бригадамиз аъзолари маккажўхори донини йиғиштириб олишда Тошкент область Юқори Чирчиқ районидagi «Политотдел» колхози маккажўхоричилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Любовь Ли тажрибалари асосида иш олиб бордилар.

«Бу йилги шароитда ҳам донни тез ва сифатли ўриб-йиғиб олиш учун комбайнлар билан бирга халқимиз-

нинг қадимий анъанаси—ҳашар усулини уюштириш мақсадга мувофиқдир. Комсомол ташилотлари қишлоқ мактабларининг юқори синф ўқувчиларидан ҳашарчи отрядлар тузсалар, тагин ҳам яхшироқ бўларди. Чунки, маккажўхори шундай экинги, уни ўз муддатида йиғштириб олинмаса дон қуриб тўкилиши, пояси саргайиб, ўзининг чорва моллари учун тўйимли ва ширали озуқалик хусусиятини йўқотиши мумкин. Шу туфайли ҳам бу ишга жиддий ёндашмоқ, экинни мумкин қадар тезроқ ўриб-йиғиб олмоқ керак», деб ёзган эди машҳур маккажўхорикор Любовь Ли ёшлар газетасига ёзган мақоласида. Биз ҳам дон ҳосилини йиғштириб олишда илғорлар тажрибасига амал қилдик. Бу катта самара берди. Илғорлар тажрибасидан ўрганиш социалистик мусобақада ҳам катта роль ўйнади. Биз райондаги Ленин номли колхознинг Йўлдош Сиддиқов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари билан мусобақа ўйнаганмиз. Улар 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 103 центнердан ҳосил етиштирдилар. Мусобақадошларимиз бизнинг далаларимизда бўлиб, ютуқ ва камчиликларимизни аниқлаб бердилар. Биз ҳам уларнинг даласида бўлдик. Ўз тажрибаларимизни ўртоқлашдик.

Дўстим! Сен ҳам краснодарлик илғорларнинг меҳнат муваффақиятлари ҳақида ёз. Бир-биримиздан ўрганайлик, ёрдам берайлик.

*Салом билан дўстинг Лутфиддин».*

## 16

Эрта тонгданоқ бригада шийпони гавжум бўлиб кетди.

Қуёш бош кўтарди. Заррин нурлар ерга ошиқарди. Рассом чизолмаган ва чизолмайдиган бу манзара сокинлигини ҳайдов тракторларининг овози бузди.

Одамлар сергак тортишди. Кимдир «Херсонец» комбайнини тракторга тиркаб қўйди. Найни ака пайкал четидан юриб кетди.

Одатда янги ҳосилни йиғиштиришни қишлоқнинг энг бообрў кишилари бошлаб беришарди. Оппоқ яхтагини қўш белбоғ билан боғлаб олган, чўққи соқолли қария Найни акага эргашди. Улар комбайн тушиши керак бўлган жойга ўтишди-да: «Хирмон баракали бўлсин!» дейишиб, қўлларини юзига суртишди.

Тракторнинг товуши яна ҳам баладлади. Кейин бир меъёрда юриб кетди.

«Херсонец» уч қатордаги маккажўхорини йиғиштириб борарди. Сўталар элеваторда тўпланиб, бу жойдан тиркалган тележкага узатилар, қирқиб майдаланган кўк масса эса кўндаланг бораётган машинага тушарди.

Найни ака ҳамон комбайннинг ортидан борар, дамбадам орқага назар ташларди.

Маматисмон шийпондан зарк билан келарди. Қўлдан даги лаганда ҳовури кўтарилаётган беш-олти думбул.

— Марҳамат, отахон, биринчи ҳосилдан тотиб кўринглар.

— Баракасини берсин!— деб қўйди.

Шийпон ёнида машина тўхтади. Совхоз директори Абдурахмонов билан партком секретари Бобохоновлар ариқдан ҳатлашди.

— Хирмонга барака!

Найни ака уларнинг истиқболига юрди.

— Ерни яхши тайёрлабсизлар!— мамнун жилмайди директор.— Ҳамма бригадада шундоқ бўлса қанийди.

— Бир ҳафтада ҳосилни йиғиштириб олсангиз керак,— партком секретари Найни акага қаради.

Найни ака пайкал ўртасида келаётган «Херсонец»дан кўз узмас экан:

— «Пўлат от»имиз юриб турса-ку, ҳеч гап эмас,— деди.



— Демак, қўшимча ёрдам кучи ажратпшимиз керак бўлади.

Найни ака «маъқул» дегандай жилмайди.

— Хирмонга барака!

Бу район комсомол комитетининг биринчи секретари Раҳмонжон Бўрибоев эди. Раҳмонжон ҳамма билан кўришиб чиқаркан мамнун ҳолда:

— Районимиз комсомол-ёшлари ажойиб ташаббус бошлашди. Комсомол прожектори» зарбдор бригадалари тузилди. Улар ҳосилни ўриб-йиғиб олишда ёрдамлашади, ҳосилнинг нобуд бўлмаслигига кўз-қулоқ бўлишади. Ўттиз-қирқ ўқувчи ҳозироқ келиб қолишади,— деди.

— Яшанг, Раҳмонжон,— деди Найни ака.— Қомсомол бизга ҳамиша ёрдам бериб келяпти.

Бир оздан сўнг бригада даласи ёшариб кетгандай бўлди.

## 17

Найни ака конвертни авайлаб очди. Қўй кўзлари хат узра югурди.

*«Ассалому алайкум устозимиз Найни ака!*

*Мен бу хатимни жуда орзиқиб, фахр билан ёзяпман. Нега дейсизми? Эсингиздами, баҳорда область ёш ғаллакорлари слётида сўзга чиққандим.*

*Ушанда, ҳар гектар ердан 100 центнердан ҳосил етиштирамиз, деганман. Бунни айтишга айтдим-у, баданимдан ўт чақнаб кетгандай бўлди. Бригадага қайтгач, сувчи Турғунбойга:*

*— Найни акага сўз бердим, слётда ҳаммани ишонтирдим,— дедим.*

*— Мақсадимизни айтдингизми?— механизатор Абдурахмон суҳбатга аралашди.*

*— Ҳаммасини айтдим. Ҳатто Найни акани мусобакага чақирдим.*

— Яхши! Сўз бердикми, бажарамиз!— дейишди улар.

Механизатор Аҳмаджон Мадумаров, сувчи Комилжон Ҳасанов, Абобакир Уриновлар ҳам кўнглига ана шундай гапни тугишиб, ишга киришиб кетишди.

Найни ака, бу йил 107 гектар майдонда деҳқончилик қиляпмиз. Утган сафар бригадангизга борганимда гектарнинг кўплигидан чўчиманг, дегандингиз.

Биз барча иш ва тадбирларимизни мурожаатингиз асосида ташкил этдик. «Юқори ҳосил олишнинг сири тўлиқ гектарлар ҳосил қилишда», дегандингиз ўшанда. Экишдан олдин ерларни яхшилаб текисладик. Қарта четларини, ўқариқ четларини, бир қарич ерния м ҳисобга олдик. Эгатларнинг ораларини текшириб кўрдик, олаларига экдик. Ҳар бир уяда иккитадан, яъни 55 минг туп кўчат қолдиришни таъминладик. Ҳар бир уяда иккитадан кўчат қолганда, бир гектар ерда 55 минг кўчат ҳосил бўлганда, 200 граммдан дон ҳосили ошиштирилганда, 110—115 центнердан дон олишни деҳқонларимиз ўз тажрибаларида синовдан ўтказдилар.

Бу тажриба бизларга қўл келди. Найни ака, иккинчи йилги ишларимизнинг ҳаммасини ҳам биз иккита марта кўналангизга ишлов бердик. Ёр шароитига қараб 5—6 мартадан суғордик. Бачкиларини ўз вақтида олиб турдик. Биринчи озиқлантиришда соф ҳолда гектарига 150 килограммдан азот ва 100 килограммдан фосфор, иккинчисида эса 120 килограммдан азот ва 80 килограммдан фосфор солдик. Маккажўхори попилтириқ чиқара бошлаган ва дони сут-қатиқ бўлаётган пайтда «шарбат» оқиздик.

Найни ака, область партия комитети сизнинг номингиздаги мукофотни таъсис этган, ғолиб маккажўхори-корларга бу мукофотни ўзингиз топширишингиз керак. Область ёшлари ўртасида ана шу мукофот совриндори бўлиш учун социалистик мусобақа қизиб кетди. Биз ҳам кам ҳаракат қилмадик...

... Ана «Херсонец-7» комбайни тинмай гурилляпти. Ҳосилни йиғиштириб оляпмиз. Охирги гектарлар. Ҳамма жонсарак. Бирор сўтанинг исроф бўлишига йўл қўймаймиз. Қолхознинг «Комсомол прожектори» штаби ва пости аззолари текшириб юришибди. Механизатор Абдурахмон Раҳимов колхоз правлениесининг раиси билан келиб қолди.

— Табриклаймиз, Абдуллажон,— деди раис.

Раиснинг чеҳрасида кулги ўйнади. Кўзлари чақнади.

— Бугун мажбуриятингизни бажардингиз,— қайтарди раис.— Ҳар гектар майдонга 100 центнердан тўғри келди.

Менинг ҳудди шу пайтдаги қувончимни бир кўрсангиз эди, устоз.

Байрам бўлиб кетди далада. Бригада аззолари бир-бирларини табриклашган, бағрига босишган. Мен эса шу заҳотиёқ Сиз, мураббийга хат ёзишга ўтирдим.

Шогирдингиз Абдулла Ғойназаров.

Жалолқудуқ районидаги Димитров номли колхоз».

— Яшанглар,— Найни аканинг лаблари пичирлади.— Абдуллажон ҳам ишопчини оқлабди. Москва районидаги «Правда» колхозининг Машрабхон Акбарова бошлиқ бригадаси ҳам бажарди. Бўзлик Эсонбой Чаққонов етакчилик қилаётган бригада ҳам маррага етиб қолган бўлса керак. Еқутхон Отабоева, Абдулҳамид Машарипов... Уҳ-хў, областда шогирдларим жуда кўп. Бугун Лутфиддин Сайфиддинов ҳам маррага етди. Эртага келиб қолса керак.

Найни ака ёстиққа ёнбошлади. Уни ширин уйқу элитмоқда эди.

Абдурайим совхоз кутубхонасига кирди-ю, пешанасини деворга уриб олгандай бўлди. Рўпарага Лутфиддин-

нинг сурати билан «Ёш ленинчи» газетасини илиб қўйишибди. Абдурайим секин кўз ташлади.

### «Табриклаймиз!»

*Маккажўхоридан юқори ҳосил етиштириш бўйича социалистик мўсабақада эришган катта муваффақиятлари ҳамда жамоат ишларида актив қатнашганлиги учун Андижон область Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхози комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи Лутфиддин Сайфиддинов ВЛКСМнинг «Фахрий нишони» билан тақдирланди».*

«Нима бўляпти?! Нега мени, менинг хизматларимни кўришмайди. Лутфиддиннинг бригадасига озмунча яхшилик қилдимми? Ярим машина суперфосфатни бригада шийпонига тўқдириб бердим... Йўқ, унинг шунча ҳосил олишда менинг ҳам ҳиссам бор. Мен бунга ёзаман, ўзимнинг тўққан терларимни, менга бироз эътибор бермаслигини, ҳаммасини ёзаман. Нега Тошкенти азимдан Лутфиддиннинг олдига муҳбир келади-ю, менинг олдимга келмайди. Бунга ҳам ёзаман».

Абдурайимнинг кўзи қизилди.

— Сизга қайси китоб керак,— деди ўрта бўй, қора қош, ўткир атирнинг ҳиди анқиб турган қиз.

— Менга китоб эмас, қалам-қоғоз керак.

Кутубхона мудирининг унга қалам-қоғоз тутди. Абдурайим шоша-пиша қалам юргизди.

— Илҳом келиб қолдими, Абдурайим ака!

— Ҳа, дард келди.

Қиз бурнини жийриб узоқлашди.

Шу пайт эшикдан Найини ака кириб келди.

— Абдурайимжон, шу срданидингиз? Сизни излаб юрибман.

Абдурайим шоша-пиша қоғозни яширди. Уни қўйин чўнтагига соларкан, Найини акага «нима гап?» дегандек қаради.

— Лутфиддин стиб келаркан ҳозир. Бирпас отамлашамиз,— деди Найни ака.

Абдурайим «Ишим бор» деб кетмоқчи бўлувди, Найни ака қўймади.

— Қасрдан келади?

— Москвадан. Ҳалол меҳнат бахт етаклаб келади, деб шуни айтадилар-да. Ленин комсомоли мукофотининг лауреати бўлди. ВЛКСМ Марказий Комитетининг аъзоси... Ҳозир пленумдан келяпти.

Абдурайим ноилож Найни акага эргашди. У орқада бораркан, кўзлари тинар, худди йиқилиб бораётганга ўхшарди.

## 19

Оқшом тушиб, «Херсонец» тўхтаганда дон ташиётган Тўхтасин келиб қолди. У жилмаяр, юзидан кулги аримасди.

Тўхтасин кабинадан ирғиб тушди-да, Найни акани қутлади, бағрига босди.

— Табриклайман, Найни ака!

Тўхтасиннинг жўзларида ёш қалқиди. Бу ёш эрта баҳордан бери тўкилган меҳнат тери нашидаси эди. Найни ака ёш боладай жим турди. Кейин Тўхтасиннинг ёш сизиб чиқаётган кўзларига, юзларига тикилди:

— Тинчликми?

— Директор хирмонда экаи. Ҳисоблаб чиқдик. Ҳосил ҳар гектар майдонга 117 центнерданга тўғри келди.

Бу хабар байрам шодиёнасига айланиб кетди. Қўп ўтмай район комсомол комитетининг биринчи секретари Раҳмонжон Бўрибоев билан моҳир маккажўхориқор Лутфиддин Сайфиддиновлар келишди. Ҳамма бир-бирини қутлади, бағрига босди.

Тўлин ой чиқди. У ҳам «малиқа» ошиқларини қутламоқчи бўлганими, сут рангда поёндоз ташлади. Тўхтасин олдинга тушиб секин-аста юриб кетди.

Енгил шабада эсди. Тут япроқлари бир-бирига урилиб тиниқ товуш чиқарар, олисда — чигирткалар тинимсиз чирилларди.

«Бажардик, сўзимизнинг уддасидан чиқдик». Ҳамманинг хаёлидан шу ўй ўтар, совхозга — дирекцияга, партия ва комсомол ташкилоти олдига ёруғ юз билан боришаётганидан мамнун эдилар.

Улар дала кезиб боришяпти. Дилларда сурур, юзларда ханда. Хаёлларида эса беноён дала, беғубор ҳаво, ложувард само, тиниқ ва шаффоф сув... Дала четларидаги тутларнинг шапалоқ-шапалоқ япроқлари, ариқларда оқаётган сувнинг жилдираши, тракторнинг бир меъёрдаги товуши, йигит ва қизларнинг дилни тўлқинлантирувчи қўшиқлари...

*Кўргонтена — Андисон — Тошкент...*

**И 82** Йўлчиева Р., Пирматов М.  
Устоз ва шогирдлар. Т., «Ёш гвардия», 1975. (С) 40 б.

1. Автордош.

**Юлчиева Р, Пирматов М.** Мастер и его ученики.

**633.1**

И—М  $\frac{10903 \text{ — } 339}{356 \text{ } \{06\}\text{—}75}$  8—75

На узбекском языке

Давид Ибншоов, Мирзакарим Пирматов

## МАСТЕР И ЕГО УЧЕНИКИ

Редактор М. Вобоева. Рассом О. Ахмаджонов.  
Расмлар редактори Қ. Алнев. Техн. редактор Л. Жижарская. Корректор М. Ортиқова.

Босмахонага берилди 12/V-1975 й. Босишга рухсат этилди 22/VII-1975 й. Формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Қоғоз № 1. Босма листи 1,25. Шартли босма листи 1,75. Нашр. листи 1,58. Тиражи 15000. Р 11244.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 52—75.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти босмахонаси, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. Заказ № 2825. Ваҳоси 6 т.